

## А Ж Р И М

2026 йил январь ойининг 20 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья Ғ.Негматов, П.Рахмоновнинг котиблигида, томонлардан Ургут туман прокурорининг ўринбосари А.Султонов, судланувчи С.Ботурова ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Игамовларнинг иштирокида, Ботурова Санобар Ашуровнага нисбатан 1-1416-2601/8-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Ботурова Санобар Ашуровна (Boturova Sanobar Ashurovna)**, 1978 йил 4 август куни Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, турмушга чикмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Самарқанд шаҳар “Боғибаланд” маҳалласида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини 16.12.2025 йилда олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан

Судланувчи Ботурова Санобар Ашуровнанинг жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддасига асосан унинг айблилик ҳақидаги масаласини ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,-

## А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, судланувчи Ботурова Санобар Ашуровна ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, 2025 йил 27 июль куни Самарқанд туман Х.А.Вали малласи худудида жойлашган автобус бекатидаги ўтиргичда турган фуқаро Холова Нилуфар Олимжоновага тегишли бўлган сумкаси ичида бўлган 200.000 сўм пулларни, 11.970 сўм қийматдаги 1 АҚШ доллар миқдоридagi пулларни ҳамда бахоси 200.000 сўмга тенг бўлган бир дона қора рангли “самсунг” русумли қўл телефон аппаратини ҳамда бир дона бахси 200.000 сўмга тернг бўлган аёллар сумкасини яширин равишда талон-тарож қилишиб, воқеа жойидан яширинишган.

Дастлабки тергов органи томонидан Ботурова Санобар Ашуровнага ушбу жинойий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятни қасдан содир этганликда айб эълон қилинган.

Судда судланувчи Ботурова Санобар Ашуровна томонидан ариза тақдим қилиниб, ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан юритилган жиноят ишни, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатишликни сўраган.

Суд, судланувчи Ботурова Санобар Ашуровнанинг аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан атрофлича таҳлил қилиб, прокурор А.Султоновнинг



фикрини, химоячи Б.Игамовнинг аризаларни қаноатлантириш тўғрисидаги фикрларини тинглаб қуйидаги асосларга кўра жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси 2-қисмига асосан ҳаракатдан тугатишликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2006 йил 3 февраль кунидаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1 ва 2-бандларидаги, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, Жиноят Кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиш шартлигини англамаслиги судларга тушунтирилиши, шу туфайли судлар, Ишни судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топилса ЖКнинг 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Ботурова Санобар Ашуровна томонидан содир этилган қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлигини, унинг муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан шахси ижобий тавсифланганлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ тўланганлигини, жабрланувчининг даъвоси мавжуд эмаслигини алоҳида эътиборга олиб, суд, судланувчи Ботурова Санобар Ашуровнани айблашга оид жиноят ишини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси 2-қисми ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан унинг айблилиги ҳақидаги масаласини ҳал қилмасдан ҳаракатдан тугатишликни, қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораларини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Биобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди, 401-моддаси 2-қисми ва 423-моддаларини қўллаб, ажрим қилади,-

### **А Ж Р И М:**

**Ботурова Санобар Ашуровна (Boturova Sanobar Ashurovna)**ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан айблаш бўйича жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси 2-қисмига асосан унинг айблилиги ҳақидаги масаласи ҳал этилмасдан туриб ҳаракатдан тугатилсин.

Ботурова Санобар Ашуровнага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан кейин бекор қилинсин.

Етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига, белгиланган муддат ўтгач эса кассация инстанциясига хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

**Даво қилувчи судья:**

**Ғ.Негматов**

